

## **ҲАЁТ ЁКИ СОҒЛИҚ УЧУН ХАВФЛИ ЖИНОЯТЛАРНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ ТАКТИКАСИ**

**Абдуназаров Севдиёр Дишиод ўғли**

*Ширин шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов гурӯҳи терговчиси*

### **АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола оргали муаллифлар ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли жиноятларни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятларини, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилишда куздан кечиришнинг тактик усулларини кўрсатиб мавзуни таҳлил қилишган.

**Калит сўзлар:** Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар, мурда аломатлари, дактилокарта, қўшимча формула.

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье авторы проанализировал зарубежный опыт расследования преступлений, связанных с подделкой денег, акцизных марок или ценных бумаг и их передачей, выделив его достижения.

**Ключевые слова:** Фальшивые деньги, акцизная марка, акции, иностранная валюта, зарубежный опыт, манипулирование.

### **ANNOTATION**

Through this article, the author analyzed the foreign experience of investigating crimes related to counterfeit money, excise stamps or securities and their transfer, highlighting its achievements.

**Key words:** Counterfeit money, excise stamp, stock, foreign currency, international experience, manipulation.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 моддасига кўра Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.<sup>1</sup> Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг III боби 112-117 моддаларни ўз ичига олади.<sup>2</sup>

Дастлабки тергов ҳаракатлари ҳар қандай қўзғатилган жиноят иши бўйича амалга оширилади. Қотиллик ва тан жароҳати етказиш жиноятлари ўта мураккаб жиноятлар жумласига кириши боис терговнинг мазкур босқичида содир бўлган жиноятнинг барча элементлари:

Қотилнинг шахси, жабрланувчининг шахси, қотилликнинг мақсади ва қасднинг мотиви, жиноий ҳаракат жабрланувчининг шахсига ёки унинг жамиятдаги мавқеи – лавозимига қарши қаратилган-қаратилмаганлиги, жиноят

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси электрон манба: Lex.uz сайти <https://lex.uz/docs/20596>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ЖК электрон манба: Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-111453>

бир шахс ёки гурух томонидан содир қилингандык, қотил топилмаган бўлса, тезкор-қидирав чораларини қўллаб, яширинган жойини аниқлаш ва қўлга олиш, жиноят қуролини топиш, гаразли мақсадда содир қилинган қотиллик бўйича ўғирланган, олиб кетилган қимматликларни топишга қаратилган чоралар кўрилади.

Терговни тўғри ташкил қилиш ва ҳаракатларни тегишли кетма-кетликда олиб бориш учун аниқланиши лозим бўлган барча ҳолатлар бўйича тергов тусмолларини тузиш, терговни режалаштириш, тезкорқидирав ходимлари билан самарали ҳамкорлик қилиш, мураккаб вазиятлар билан боғлиқ одам ўлдириш жиноятини тергов қилиш тергов-тезкор гурухга топширилади. Терговнинг дастлабки босқичида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ва тезкор тадбирларни ўз вақтида ўтказиш зарур. Бунда, биринчи навбатда, қотиллик ҳодисаси юз берган ва жабрланувчинингмурдаси топилган жойлар кўздан кечирилади.

Кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноят-процессуал қонунталаблари асосида, тактик усуллардан унумли фойдаланган ҳолда амалга оширилиши керак. Қотиллик жинояларини тергов қилишда содир бўлган ҳодисанинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутган ҳолда, кўздан кечиришнинг тактика қоидаларини қўллаш орқали юқорида келтирилган вазифаларни хал қилиш мумкин. Жиноят содир бўлган жойнинг ўзида жабрланувчининг танаси топилган бўлса, кўздан кечириш, мурдадан, яъни марказдан бошланмоғи мақсадга мувофиқ (портлаш эҳтимоли бўлмагандага), сўнгра атроф-муҳит, жинояччининг кириш-чиқиши йўллари, излар, жиноят куроли ва бошқалар кўздан кечирилади. Қотиллик жиноялари бўйича ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ўзига хос вазифалари мавжуд. Биринчи навбатда мурда топилган жойда жиноят содир бўлган-бўлмаганига, agar жиноят шу жойда содир бўлган бўлса, қон изларининг хусусиятларига эътибор қаратиш зарур. Чунки суркалиш, томчи излари мурданинг бир жойдан иккинчи жойга олиб келишда ҳосил бўлади, қўшимча равишда ерда мурдрагани излари ҳам мавжуд бўлади. Қотиллик содир бўлган жойдан топилган мурда ёнида қон излари сачраш, оқиши ва кўп миқдорда кўлмак шаклида бўлади. Бу белгиларнинг йўқлиги мурда бошқа жойдан келтирилган, транспорт воситасида олиб келинган деган тусмол (тахмин)га асос бўлади. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда икки гурух изларга эътибор бериш лозим. Биринчи гурух излар қотил билан жабрланувчининг ўзаро ҳаракати натижасида ҳосил бўлган излар, яъни қотилнинг жароҳат етказиш усули, куроли, жабрланувчининг қаршилик кўрсатиши, ҳимояланиши каби ҳолатлардан ҳосил бўладиган излар.

Иккинчи гурух излар жиноят ҳодисасига алоқаси бўлмаган шахслардан қоладиган излар. Бу икки хил изларни мазкур жойда ҳозир бўлганлар, гувоҳлардан олинадиган оғзаки маълумот асосида аниқлаш мумкин. Шунингдек, тезкор қидирув орқали ҳодиса жойининг аввалги ҳолати ва унга қандай ўзгаришлар киритилганлиги ҳам аниқлаб олинади.

Жабрланувчининг мурдасини кўздан кечиришда аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар қўйидагилар:

- шахси, хужжатлари ёки бошқа буюмлари, кийимлари, ташқи қиёфаси, алоҳида белгилари;
- қотил билан, уйи ва оила аъзолари, қариндошлари, ҳамкаслари ва бошқа танишлари билан алоқаси;
- ўлимнинг юз берган вақти, сабаби, етказилган жароҳатларнинг қайси бири ўлимга сабаб бўлганлиги;
- жиноий ҳаракат механизми, жароҳатлар қандай қурол билан етказилганлиги;
- қотиллик жинояти содир қилинаётганда кимлар бўлгани, эшитгани;
- жиноятнинг субъектив томони, яъни жиноят қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир бўлганлиги. Юқорида келтирилган ҳолатлардан баъзиларининг аниқланиши ҳам жиноятчини қаердан ва кимлар орасидан излашда тўғри йўналиш танлашга имкон беради.

Ўлим вақти мурда аломатлари асосида (совуши, қотиш доғларнинг ҳосил бўлиши, чириши ва бошқалар) аниқланади. Ўлим сабаби, жароҳатларнинг оғир-енгиллиги, жойлашуви, етказилиш кетма-кетлиги ва қандай қуролдан етказилганлиги, жароҳатнинг қайси бири ўлимга сабаб бўлганлиги мурдани кўздан кечиришда тиббиёт соҳаси мутахассиси иштирокида аниқланади. Жиноят содир қилишда ишлатилган қурол ва унинг сифати, жароҳат етказиш усули, ўта раҳмсизлик билан кўп жароҳат етказилиши, ўлим юз бергандан сўнг ҳам қуролнинг ишлатилиши жиноятчининг шахси ҳақида хабар беради. Жабрланувчининг шахси номаълум бўлиб, терговнинг бошланғич даврида аниқланмаган бўлса, жиноятни рўйхатга олиш қоидасига биноан, шахси номаълум мурда картаси тузилади, кўл бармоқ излари бўйича дактилокарта тузилади, асосий ва қўшимча формула чиқарилиб, рўйхатга олинади. Дактилокартада ташқи қиёфа белгилари, айрим кўзга ташланадиган белги-аломатлар кўрсатилади. Терговнинг сўнгги босқичларида ана шу карталар асосида таниб олиш учун кўрсатиш ўтказилиб, жабрланувчининг шахси аниқланади. Ахборот марказидан олинган маълумотлар асосида бедарак йўқолганларнинг шахси қиёсланади. Мурда бўлаги топилиши асосида

қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича кўздан кечириш бўлак топилган жойда амалга оширилади. Унинг ўралган, ўралмаган ҳолатига, жароҳатларнинг хусусияти, тахминан қандай қуролдан етказилганинига эътибор берилади. Мурда бўлаги ўралган материал сифати (қофоз, мато, цеплофан), гурухий мансублиги белгиланади.

Мурда бўлаги бўйича жабрланувчининг жинси, ёши, миллати, иложи борича алоҳида белги-аломатлари қайд этилиши зарур. Қотиллик ва тан жароҳати етказиш жиноятини тергов қилишда бир мунча мураккаб комплекс тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати пайдо бўлади. Аммо қотиллик жиноятини тергов қилиш, номусга тегиши жиноятини тергов қилишдан фарқи ўлароқ, кўпинча тезкорқидирав тадбирлари натижасига боғлик. Шу боис сўроқни жиноят ҳодисасини кўрган, эшигтан ва муҳим маълумотларни бериши мумкин бўлган гувоҳлардан бошлиш керак. Тезкор-қидирав тадбирлар ёрдамида аниқланган гумон қилинувчилар ушланиб, белгиланган муддатларда сўроқ қилиниши ва уларнинг кўрсатувлари текширилиши лозим. Кўздан кечириш натижасида топилган ашёвий далиллар, жиноят қуроллари, турли излар юзасидан криминалистик экспертизасининг алоҳида турлари ўтказилади. Жумладан, транспорт воситаси ёрдамида содир этилган жиноятлар бўйича излар трасологик, йўл ҳаракат қоидасини қасдан бузиш ва йўловчини босиб кетиш ҳолатлари автотехник экспертиза, айрим синган ва алоҳида бўлаклар бўйича бутун бир предмет – қуролни аниқлашда трасологик, жиноий ҳодисасига тегишли бўлган турли ҳужжат матнлари бўйича хатшунослик экспертизаси ўтказилади.

Отиш қуроли воситасида содир этилган қотиллик ишларида қурол ва унинг қисмлари юзасидан баллистик жиҳатларни идентификациялаш ва совуқ қуроллар юзасидан баллистик экспертиза ўтказилади. Жиноят содир бўлган жойдан, жабрланувчининг ва гумон қилинувчининг танаси-кийимидан турли модда ва микроматериаллар топилиши мумкин. Хусусан, жиноятчи пойабзалининг тагчармидаходиса жойидаги тупроқ ва турли биологик заррачалар, жабрланувчи кийимининг устки қисмida жиноятчининг эгнидан микрозаррачалар ўтиш ҳоллари амалиётда кўп учраб туради. Бу микрозаррачаларни текшириш натижасида материал, модда ва маҳсулотларнинг қайси гурухга мансублиги, баъзан эса айнанлити аниқланади.<sup>3</sup>

Юқоридагилардан кўриниб турибдики ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятларни тергов қилиш бир мунча мураккаб бўлиб, суриштирувчи, терговчи ва прокурордан алоҳида синчиковлик талаб этади. бу жиноятлар бўйича тергов

<sup>3</sup> Жиноятларни тергов қилиш методикаси маъruzalap курси ИИВ Академияси Т.2017 й 5-11 бетлар

ҳаракатларни ўтказишида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддасида кўрсатилган ҳолатларни исботлашга уриниш керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси электрон манба: Lex.uz сайти <https://lex.uz/docs/20596>
2. Ўзбекистон Республикаси ЖК электрон манба: Lex.uz сайти <https://lex.uz/acts/-111453>
3. Жиноятларни тергов қилиш методикаси маъruzалар курси ИИВ Академияси Т.2017 й 5-11 бетлар